



## CONFLICT OF INTEREST AND CORRUPTION: GENERAL-THEORETICAL ASPECTS (ON THE EXAMPLE OF UZBEKISTAN AND GEORGIA)

Murodov Humoyun G'ayratovich<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Academy of Public Administration, Under the President of the Republic of Uzbekistan Specialty "Public Administration" master's degree student

Email: [h\\_murodov@ipotekabank.uz](mailto:h_murodov@ipotekabank.uz)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4694683>

### ARTICLE INFO

Received: 9<sup>th</sup> April 2021  
Accepted: 12<sup>th</sup> April 2021  
Online: 15<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

Conflict of interests, corruption, state governing bodies, legal measures.

### ABSTRACT

*This article provides general and special characteristics of important aspects of corruption and conflict of interests that negatively affect the development of society and the state, and also analyzes them through the prism of the views of scientists. The conflict of interests and harmful consequences of corruption brought to society are listed. The reasons for corruption and conflict of interest are listed. Along with the measures taken by the countries of the world, the activities of international organizations were also carried out. On the basis of the legislation of the state of Georgia and the conclusions of international organizations, the work carried out in the field of combating corruption and conflict of interests has been analyzed.*

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ВА КОРРУПЦИЯ: УМУМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАР (ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРУЗИЯ МИСОЛИДА)

Муродов Ҳумоюн Ғайратович<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, “Давлат бошқаруви” мутахассислиги магистратура босқичи тингловчиси

Email: [h\\_murodov@ipotekabank.uz](mailto:h_murodov@ipotekabank.uz)

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 9-aprel 2021  
Ma'qullandi: 12-aprel 2021  
Chop etildi: 15-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

Манфаатлар тўқнашуви, коррупция, давлат бошқарув органлари, ҳуқуқий чора-тадбирлар.

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада жамият ҳамда давлат ривожига салбий таъсир кўрсатувчи коррупция ҳамда манфаатлар тўқнашувининг муҳим жиҳатлари, шу жумладан умумий ва махсус тавсифи берилган ва таҳлиллар олимларнинг қарашлари воситасида баён қилинган. Манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупциянинг жамиятга келтириладиган зарарли оқибатлари санаб ўтилган. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг юзага келиш сабаблари келтирилган. Шунингдек, жаҳон давлатлари томонидан амалга ошириладиган чоралар билан бирга халқаро миқёсдаги ташиқлотларнинг сай-ҳаракатлари келтириб ўтилган.*



## КОНФЛИКТ ИНТЕРЕСОВ И КОРРУПЦИЯ: ОБЩЕТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА И ГРУЗИИ)

Муродов Хумоюн Ғайратович<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Магистрант Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, Специальность «Государственное управление»

### ИСТОРИЯ СТАТЬИ

Принято: 9 апреля 2021 г.  
Утверждено: 12 апреля 2021 г.  
Опубликовано: 15 апреля 2021 г.

### КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Конфликт

интересов, коррупция, органы государственного управления, правовые меры.

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье даётся общая и специальная характеристика важных аспектов коррупции и конфликта интересов, негативно влияющих на развитие общества и государства, а также анализируется через призму взглядов ученых. Перечисляются конфликт интересов и вредные последствия коррупции, приносимые обществу. Перечислены причины возникновения коррупции и конфликта интересов. Наряду с мерами, принимаемыми странами мира, осуществлялась и деятельность международных организаций. На основе законодательства государства Грузии и заключений международных организаций проанализирована осуществляемая работа в сфере противодействия коррупции и конфликту интересов.*

### Кириш

Коррупция ҳамда манфаатлар тўқнашуви давлат ва жамият манфаатларига зиддир, унинг натижаси эса иқтисодий, сиёсий ҳаёт ҳамда ижтимоий, мухтасар айтганда, барча соҳанинг инқирозига олиб келади. Аксарият ҳолларда кераксиз ва фойдасиз бўлган лойиҳаларнинг қўллаб-қувватланиши, амалга оширилиши ёки кўпчилик учун фойдали бўлганларининг қонунга зид тарзда кечиктирилишига олиб келади. Қонуний фуқаролик лойиҳалари амалга оширилса ҳам, коррупцион "солиқ"ни қоплаш харажатлари иш сифатига путур етказди. Манфаатлар тўқнашуви оқибатида инвестиция муҳитининг бузилиши ҳам юзага келиши мумкин. Хусусан, турли бюрократик тўсиқлар сунъий равишда яратилиши орқали соғлом

инвестиция ва рақобат муносабатлари заволга юз тутди. Шундай қилиб, коррупция бутун мамлакатнинг иқтисодий самарадорлигини пасайтиради. Ушбу иқтисодий оқибатларга қўшимча равишда, коррупция миллатнинг ижтимоий тенгсизлик даражасини ошириши, бунинг натижасида эса жиноятчилик ва зўравонлик муаммоларини янада кучайтиришини алоҳида назарда тутиш керак. У ҳукумат фаолиятига путур етказди, фуқаролик жамиятини йўқ қилади ва аҳоли орасида сиёсий беқарорликни ва ишончсизлик даражасини оширади. Охир-оқибат, давлат органига бўлган ишончнинг йўқотилиши каби салбий оқибатлар юзага келишига сабаб бўлади. Фуқароларнинг ҳокимиятга бўлган ишончи – бу ҳукуматнинг эга бўлиши мумкин бўлган энг катта ютуғи, ва



мустаҳкам асоси бўлса, коррупция эса уни энг қуйи ҳолатга тушириши мумкин бўлган салбий факторладан бири ҳисобланади.

### Асосий қисм

Алоҳида эътибор бериш керакки, коррупция катта ва кичик доирада юз беришидан, унинг қарамоғига тушганлар бадавлат ва камбағал бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда учрайди. Ушбу зарарли иллатни бартараф этиш бўйича жаҳон ҳамжамияти томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, уни тўлалигича бартараф этишнинг имкони бўлмапти.

Ўтказилган тадқиқотларга қараганда Осиё ва Тинч океани давлатларининг **60 тасидан жами 150 дан ортиқ** юқори бошқарув органи вакиллари респондент сифатида олинганида оммавий ва давлат хизматларида коррупция – бу қонунийликни таъминлашдаги энг асосий тўсиқ эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу давлатлар вакиллари томонидан алоҳида келтирилган маълумотларга қараганда, коррупция давлатнинг иқтисодиёти, сиёсий ўсиши ва ижтимоий ривожланиш соҳаларидаги жиддий тўсиқ бўлувчи ғов сифатида баҳоланган [1].

“Коррупция” термини латинча “*corruptio*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг этимологик маъноси “бузиш, сотиб олиш” – деган маънони билдиради, яъни *коррупция – сиёсат ва давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликларга эга бўлиши, турли имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда*

*эгаллашига имкон беришидир* [2]. Кўп ҳолларда “коррупция” атамаси сиёсий элитадаги бюрократик аппаратга қарата ишлатилади. Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади. Кўриниб турганидек, коррупция нафақат бир соҳага, бир шахсга таъсир этади, балки бутун жамият ва тизимнинг заволга юз тутишига сабаб бўлади.

Барча даврларга қараганда XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб жамият муҳим бўғин сифатида давлат бошқарув апаратининг ишида тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошлаган. Бу ўша даврда қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш мамлакат президентиға нисбатан “**импичмент**” эълон қилиниши мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупцияни дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Коррупция ҳамда манфаатлар тўқнашувини юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- Ҳуқуқ нормаларининг турлича шарҳланиши мумкинлиги;
- Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги;
- Мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлиги;
- Ижро ҳокимиятининг бирлиги тамойилинининг бузилиши;
- Аҳолининг давлатни назорат қилишдаги суистеги;
- Давлат секторидаги хизмат қилаётган хизматчилар даромадларининг



хусусий секторда топиш мумкин бўлган даромадлардан камлиги;

- Инфляциянинг юқори даражаси;

- Мамлакат юқори бошқарув органларининг аҳолидан узилиб қолганлиги.

Ўзбекистон Республикасида халқаро индексларга кўра, коррупция ҳолатларининг жорий кўрсаткичлари куйидагича баҳоланган:

- 2020-йилда 26 балл тўплаб, 146-ўрин;

- 2019-йилда 198 та давлат ичида 100 баллик тизимда 25 балл эгаллаб, 153-ўрин;

- 2018-йилда 158-ўрин [3].

Юртбошимиз Ш. Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонуни [4] қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишда куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит бир тизим яратиш ҳамда соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш имконини берди. Ўтган давр мобайнида коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, унга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий механизм ва институционал тизимлар яратиш ишлари изчиллик билан давом эттирилди.

Ушбу бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони билан жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва

унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш, уни муваффақиятли амалга ошириш ҳамда самарадорлигини такомиллаштириш мақсадида махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистонда янги Агентлик ташкил этилганини бир қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотлари юксак мамнуният билан кутиб олиб, агентлик фаолиятини йўлга қўйиш ва агентлик зиммасидаги вазифаларни амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга ҳамда бу йўналишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлгини маълум қилди.

### **Манфаатлар тўқнашуви.**

Манфаатлар тўқнашуви коррупцияни ҳаракатга келтирувчи ички таркибий қисми саналади. Коррупция каби мазкур иллатнинг энг ёмон жиҳати шундан иборатки, ҳам марказий давлат бошқарув органлари, ҳам маҳаллий давлат ҳокимият органлари ходимлари ва мансабдор шахслари манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини фош етмасликдан манфаатдор саналдилар. Чунки агар бундай ҳолат очиқланадиган бўлса, нафақат уларнинг шахсий манфаатлари, балки давлат ҳокимияти (маҳаллий ҳокимият) органининг имиджи ва обрў-эътибори, нуфузи учун ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлади. Айнан мана шу жиҳатдан келиб чиқиб ҳам манфаатлар тўқнашуви субъектлари бир-бирларининг қилмишларини имкон қадар



очиқламасликка ҳаракат қиладилар, шахсий манфаат ва фойда илинжида давлат, жамият манфаатларини оёқости қиладилар.

## “Манфаатлар тўқнашуви”

тушунчаси бир қарашда аниқ кўринади, чунки “манфаат” ва “зиддият”, “тўқнашув” сўзлари ҳамма учун тушунарлидек туюлади. Кенг доирада олиб қараганда, “манфаатлар тўқнашуви” давлат бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, идоралар фаолиятини, уларда фаолият юритувчи хизматчиларнинг ҳатти-ҳаракатларида ўз аксини топади. Шунингдек, давлат хизмати фаолиятини тартибга солишга қаратилган халқаро, хорижий ва ички қонунчиликда, коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, шу билан бирга, давлат бошқаруви ва корпоратив фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келтириб ўтиладиган ҳамда акс эттириладиган энг мураккаб ва энг аҳамиятли тушунчалардан бири сифатида белгиланган.

Хорижий ҳуқуқшунослардан Астанин, А.Д.Иляков, О.В.Казаченкова, С.Е.Чаннов, А.Дементев, С.Качушкин, А.В.Куракин, А.М.Куренной, Е.В.Талапина, С.Н.Юзҳақовлар томонидан манфаатлар тўқнашувиининг мазмун моҳияти очиб берилганлигини кўришимиз мумкин. А.Д.Иляковнинг фикрига кўра: “Ҳар қандай коррупцион ҳуқуқбузарлик негизида манфаатлар тўқнашуви ётади. Давлат бошқаруви тизимида фаолият олиб борувчи ваколатли субъектда давлатнинг муайян ваколоти мавжудлиги ва ушбу ваколатдан шахсий манфаатлар, шу жумладан мулкӣ манфаатларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлигини англатади [6]”. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коррупциянинг вужудга келиши

учун, албатта, манфаат бўлиши талаб этилади. Мазкур манфаат эса муайян ваколатнинг суиистеъмол қилиниши орқали таъминланади. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, манфаатлар тўқнашувига давлат иродасини қўллаш орқали тўсиқларни олиб ташлаб, ўз шахсий эҳтиёжини қондириш учун ҳаракат қилиши (Н.Обозов, Х.Ҳекхаусен, У.Юри ва бошқалар) дея изоҳ берадилар [7].

Манфаатлар тўқнашувининг қонунчилигимизда акс этганлик ҳолати ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунунига юзланишимиз керак бўлади. Қонунга кўра: “**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият [8]” - дея таъриф берилган. Шунинг назарда тутиш керакки, бир томондан давлат манфаати майдонга чиқса, иккинчи томондан шахсий манфаат юзага келади, икки манфаат эса бир нуқтада тўқнаш келади. Мазкур вазиятда эса албатта қонунни четлаб ўтиш, уни менсимаслик, жамият ва давлатда ўрнатилган ҳуқуқий тузумга итоатсизлик қилинади.

Манфаатлар тўқнашувининг асосий натижаси шундан иборатки, давлат бошқаруви органларининг функцияларни бажариш сифатини пасайтириш, давлат ва жамият турли соҳаларининг аҳамиятини пасайтириш, жамоатчилик манфаатларини эътиборсиз қолиши каби салбий оқибатлар



келтириб чиқаради. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш давлат ваколатларини сифатли амалга оширишга ёрдам беришини алоҳида таъкидлаш жоиз. Манфаатлар тўқнашуви давлат ва маҳаллий бошқарув институтининг кадриятларини хавф остига қўйиб, давлатнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини барбод этиши эса энг оғир оқибатлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига биноан “манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият” эканлиги кўрсатилган. Мазкур норманинг киритилиши ҳам халқаро миқёсдаги ҳуқуқий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ саналади, хусусан, “манфаатлар тўқнашуви” концепциясининг киритилиши БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси”дан келиб чиққан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари билан боғлиқ [19]. Бирок БМТнинг мазкур Конвенциясида “манфаатлар тўқнашуви” атамаси ишлатилмайди, лекин унинг моҳияти “манфаатлар низоси”, “манфаатлар келишмовчилиги” ва бошқа тушунчалар билан изоҳланади ҳамда ўзаро жуда яқин саналади. БМТ Конвенциясининг 7-моддаси 4-бандида “ҳар бир иштирокчи давлат ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ шаффофликка

кўмаклашадиган ва манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган бундай тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга интилади” - деб белгиланганлигини кўриш мумкин.

## **Грузия.**

Грузиянинг давлат аппарати фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий базаси ўз мустақиллигини, шаффофлигини, ҳисобдорлигини ва ҳалоллигини таъминлаш учун мўлжалланган муҳим қоидаларни ўз ичига олади. Бирок, давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган қонунчилик қоидаларини амалга ошириш заифлигича қолмоқда. Ижобий ислохотларга қарамай, давлат харидлари тизимида манфаатлар тўқнашуви ҳамда коррупция хавфи сақланиб қолмоқда.

Конституция ва бошқа қонунлар манфаатлар тўқнашуви каби масалаларни тартибга солади хусусан, турли кўринишдаги манфаатларнинг ифодаланиши, совғалар олиш, активларни декларация қилиш ва бошқалар ҳаракатлар давлат томонидан назоратда тутиб борилади. Грузиянинг "Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг мос келмаслиги тўғрисида"ги қонуни давлат муассасаларида манфаатлар ва коррупциянинг мос келмаслигини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган, мансабдор шахсларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги декларацияларни тақдим этиш механизмини тартибга солади, тақдим этилган декларацияларни мониторинг қилади. 2-моддага мувофиқ: Грузия Президентидан бошлаб "расмий" атамаси назарда тутилган давлат органи субъектлари кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, қонун депутатларнинг ҳалоллигини таъминлайдиган кўплаб қоидаларни ўз ичига олади.[10]



Қонунда кенг доирадаги чеклов чоралари ҳам мавжуд. Қонун, шунингдек, совғалар ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловлар кўяди. "Давлат хизмати тўғрисида" ги қонун[11] манфаатлар тўқнашувини, давлат амалдорларининг бизнесдаги иштирокини, совғаларга чекловларни, давлат амалдорларининг ўз активларини ошқор қилиш ва ахборот берувчиларни ҳимоя қилиш мажбуриятини тартибга солади. Қонун шунингдек, давлат ва хусусий сектор ўртасида ишчиларнинг ўтишига оид қоидаларни ҳам ўз ичига олади.

Грузияда давлат хизматчиларининг яхлитлиги тўғрисида бир неча Қонунчилик қоидалари мавжуд. Улар "Давлат хизматида манфаатлар ва коррупциянинг мос келмаслиги тўғрисида"ги қонун ва ҳукуматнинг "Давлат муассасаларида ахлоқий ва хулқ-атворнинг умумий қоидаларини белгилаш тўғрисида"ги қарорида[12] баён этилган. Ушбу қонунларга кўра, давлат хизматчилари манфаатлар тўқнашувининг ҳар қандай ҳолатларини олдини олишлари ва юзага келган ҳолатларда бундай ҳолатларни билдиришлари шарт.

Грузияда давлат харидлари асосан электрон тизим орқали амалга оширилади. Сўнгги йилларда рақобатбардош бўлмаган харидлар миқдори камайган бўлиб, харид қилиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун самарали механизм мавжуд, аммо манфаатлар тўқнашуви қоидалари тўлиқ ҳал этилган эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Грузия ҳукумати давлат секторида манфаатлар тўқнашувини ва коррупцияни олдини олишга қаратилган қонунчилик нормаларига риоя қилишни таъминлаш муаммоларини бартараф этиш масаласини ҳал қилишга кераклиги назарда тутилади. Грузиянинг ижро этувчи ҳокимият кучи амалда унинг фаолиятига норасмий ташқи

таъсир туфайли мустақил эмаслигини кўриш мумкин. Ҳукумат мустақил давлат хизматини яратиш ва давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш учун етарлича ҳаракат қила олмаяпти. Сўнгги йилларда ижро этувчи ҳокимиятда манфаатлар тўқнашуви ва коррупция билан боғлиқ кўплаб ҳолатлари бўлган, аммо бу ҳолатлар одатда соҳа мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилмаганлиги, айбдорларга нисбатан таъсир чоралари кўрилмаганлиги халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда[13].

Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ташкилотнинг кўрсатмаларига кўра Грузияда коррупцияга қарши сиёсатни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган коррупцияга қарши кураш бўйича Идораларо кенгаш (Коррупцияга қарши кенгаш) манфаатлар тўқнашувини содир этиш ва уларга жавоб бериш учун самарали тизимни яратиш кераклигини, ушбу кенгаш давлат бошқарув органлари вакиллари билан бир қаторда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳам фаол иш олиб бориши кераклиги алоҳида таъкидланган [14].

Хулоса қилиб айтганда, коррупция ва манфаатлар тўқнашувга қарши курашиш бу биргина давлатнинг бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият эмаслигини барчамиз англашимиз даркор. Зеро ҳар қандай оқибат юзага келиши учун муайян сабаб бўлмоғи даркор. Шундай экан, давлат бошқаруви органлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини юзага келишини олдини олиш, мавжуд ҳолатларни бартараф этиш ҳамда келгусида бундай салбий вазиятларнинг ривожланишини кескин камайтириш мақсадида ҳар бир орган фаолиятида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, маълумотлар очикланишини таъминлаш ва шу билан бирга, жазо



чораларини кескинлаштириш талаб этилади.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. CORRUPTION: CAUSES, CONSEQUENCES AND CURES. U Myin. Asia-Pacific Development Journal. Vol. 7, No. 2, December 2000. Pn:33
2. <http://sampayarik.uz/uz/node/515>
3. <https://www.transparency.org/en/cpi#>
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон
6. Конфликт службе государственной на интересов. Монография. А.Д.Иляков. Россия. 2017. (Conflict of interest between the state and the state. Monograph. A.D.Ilyakov. Russia. 2017.)
7. Кабашов С.Ю. Урегулирование конфликта интересов и противодействие коррупции на гражданской и муниципальной службе: теория и практика. – М.: ИНФРА-М, 2016. – 192 с
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019-й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019-й., 03/19/542/3177-сон, 2019-й., 2-сон, 47-модда.(Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 1, Article 2; national database of legislation data, 16.01.2019-y., 03/19/516/2484-SEC; 24.05.2019-y., 03/19/542/3177-San, 2019-y. Article 47.)
9. <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-36.65/>
10. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/33550/55/ru/pdf>
11. <https://matsne.gov.ge/en/document/download/3031098/1/ru/pdf>
12. <https://tbilisi.media/main/63250-pravitelstvo-gruzii-prinyalo-postanovlenie-ob-obshhih-pravilah-etiki-i-povedeniya-v-gosudarstvennyh-uchrezhdeniyah>
13. <https://transparency.ge/en/post/georgia-national-integrity-system-assessment-2020>
14. Разработка системных мер по предотвращению конфликта интересов. разработка системных мер по предотвращению конфликта интересов – Под научным руководством Ж.К.Рысбековой, Казахстан, Нур-султан, 2020 г. 99 с.
15. <https://www.gov.uk/government/publications/ministerial-code>
16. <http://europam.org/?module=legislation&country=France>
17. Zoilboyev J.K. (2020). Administrative Reforms In The Republic Of Uzbekistan: Some Problems And Prospects. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 2(12), 1-4.
18. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенсияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) 140 та давлат томонидан имзоланган. Ўзбекистон Республикаси 2008-йил 7-июлдаги ЎРҚ-158 сон Қонуни билан қўшилган.(The United Nations Convention Against Corruption (New York, 31 October 2003) was signed by 140 countries. The Republic of Uzbekistan was annexed by the law of 7 July 2008 number of-158.)
19. United Nations Convention against Corruption, Article 7. [https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026\\_E.pdf](https://www.unodc.org/documents/treaties/UNCAC/Publications/Convention/08-50026_E.pdf)